

Шаҳзода Чарльз Ал-Азҳар масжидига ташриф буюрди



14:00 / 22.11.2021 1677

Буюк Британия шаҳзодаси Чарльз Мисрдаги Ал-Азҳар Ислон университети масжидига ташриф буюрди. Ташриф чоғида олийгоҳ талабалари билан жаҳон динлари мавзусида суҳбатлашди. Талабалар билан суҳбатда у: «Бизнинг фарқларимиз, умумий жиҳатларимизда кўпроқ экан», дея таъкидлади.

Қироллик оиласи аъзоси Чарльз ва унинг рафиқаси Камилла рўмол ўраган ҳолда мусулмонлар ибодатхонасида суратга тушди ҳамда Ислон динига бўлган ҳурматни эътироф қилди.

Учрашув жараёнида Чарльз ал-Азҳар олий имоми шайх Аҳмад ат-Тоййиб билан учрашди. Шаҳзода шайх ат-Тоййиб ва яна олти ал-Азҳар уламолари билан қизиқарли суҳбат қилган.